

УЎК: 504.433

doi 10.5281/zenodo.10821631

ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШДА СУВ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРГИЛАШ ВА ИШЛАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Ярбобоев Тулқин Нурбобоевич

Карши мұхандислик-иктисодиёт институты “Фойдалы қазылмалар геологиясы ва разведкасы” кафедрасы профессоры,
Карши Ўзбекистон
E-mail: tulkin-69@mail.ru

Косимова Карима Ёдгор қизи

Карши мұхандислик-иктисодиёт институты “Экология ва атроф-муҳит муҳофазасы” таълим йўналиши талабаси,
Карши Ўзбекистон
E-mail: qosimovakarima77@gmail.com

Аннотация. Мақолада ер ости сувларининг захиралари ҳамда уларга саноат, қишлоқ хўжалигининг салбий таъсири сув қудуқларидан самарали фойдаланиши ҳақида маълумотлар муҳокама қилинган. Табиий ер ости сувларининг қазиб чиқарии ҳажмини кўпайиши ичимлик сув захираларини камайишига ва ер ости сувларининг ичимлик хусусиятлари сифатининг ёмонлашиши олиб келади. Табиий сувларни муҳофаза қилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кириб чиқилган, сув қудуқларини бургилаш ва ишлатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар келтирилган.

Калит сўзлар: ер ости сувлари, сув ресурслари, қудук бургилаш, антропоген таъсир, деградация, сувтежсамкор технологиялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ БУРЕНИЯ И СИСТЕМЫ ЭКСПЛУАТАЦИИ ВОДОДОБЫВАЮЩИХ СКВАЖИН ПРИ ДОБЫЧЕ ПОДЗЕМНЫХ ВОД

Ярбобоев Тулкин Нурбобоевич

Профессор кафедры «Геология и разведка полезных ископаемых» Каршинского инженерно-экономического института, Карши, Узбекистан

Косимова Карима Ёдгор кизи

Студентка кафедры «Экология и охрана окружающей среды» Каршинского инженерно-экономического института, Карши, Узбекистан

Аннотация. В статье обсуждаются информация о запасах подземных вод и негативном воздействии на них промышленности, сельского хозяйства, эффективном использовании водных скважин. Увеличение объемов добычи природных подземных вод приводит к уменьшению запасов питьевой воды и ухудшению качества питьевых свойств подземных вод. Рассматриваются мероприятия по реализации мероприятий по охране природных вод, представлены мероприятия по совершенствованию бурения и системы эксплуатации вододобывающих скважин.

Ключевые слова: подземные воды, водные ресурсы, бурение скважин, антропогенное воздействие, деградация, водосберегающие технологии.

IMPROVEMENT OF DRILLING AND OPERATION SYSTEM OF WATER EXTRACTION WELLS FOR GROUNDWATER EXTRACTION

Yarboboev Tulkin Nurboboevich

Professor of the department "Geology and prospecting of mineral resources" of the Karshi Engineering Economics Institute, Karshi Uzbekistan

Kasimova Karima Yodgorovna

Student of "Ecology and Environmental Protection" department of the Karshi Engineering Economics Institute, Karshi Uzbekistan

Abstract. The article discusses information on groundwater reserves and negative impact on them of industry, agriculture, effective use of water wells. Increasing extraction of natural groundwater leads to a decrease in drinking water reserves and deterioration of the quality of drinking properties of groundwater. Measures to implement measures to protect natural waters are considered, and measures to improve the system of drilling and operation of water production wells are presented.

Keywords: groundwater, water resources, well drilling, anthropogenic impact, degradation, water-saving technologies.

Кириш. Табий ресурсларнинг, шу жумладан, сув ресурсларининг тугаб бориши мумкинлиги муаммоси инсониятни доимо ташвишга солиб келган. У ҳар доим энг йирик олимлар, табиатшунослар, файласуфлар, фантаст ёзувчилар ва башоратчиларнинг башоратларида муҳим ўрин тутган. Муаммо алоҳида долзарблиқ билан кўтарилиди ва қайта тикланмайдиган ресурслар – ер қобиғида тўпланган минерал хом ашёнинг кенг ассортименти билан боғлиқ ҳолда муҳокама қилинмоқда. Ва бу тасодифий эмас. Инсониятнинг генетик даражада белгиланган бутун тажрибаси жамиятни ва ҳар бир шахсни иссиқлик ва ёруғликсиз ҳаёт йўқлигига, металлар ва бошқа минерал ресурсларсиз ижтимоий-иқтисодий соҳанинг таркибий қисмлари йўқ бўлиб кетишига ишонтирди. Уларнинг манбалари айнан ер қобиғидан олинадиган минерал ресурслардир; атрофимиздаги ҳаётнинг деярли барча бошқа атрибулари: машиналар, уйлар, майший техника, ўз ҳаётини ҳимоя қилиш воситалари ва бошқалар - улардан олинган маҳсулотлар ҳисобланади.

Сув ресурслари – бу барча турдаги табиий сувларнинг барча агрегат ҳолатларидағи йиғиндиси. Жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини ривожланиши кўп жиҳатдан сув таъминоти даражасига боғлиқ. Ўз навбатида, сув таъминоти даражаси инсоннинг маълум бир географик ҳудуддаги сув ресурслари билан белгиланади. Тарихий ривожланиш жараёнида жамият фақат иқтисодий ривожланиш даражасига мувоғиқ мавжуд бўлган табиий сув турларидан фойдаланган. Сув ресурсларининг ўзига хос хусусияти уларнинг янгиланишидир. Шу тарзда, улар бошқа табиий ресурслардан тубдан фарқ қиласи [1]. Сув ресурслари орасида ер ости сувлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ер ости сувлари фойдали қазилма ҳисобланади, уни қазиб олиш ичимлик ва саноат сув таъминоти (чучук сув), санаторияни тозалаш (минерал сувлар), қимматбаҳо компонентларни (саноат сувлари) қазиб олиш ва иссиқлик энергияси хом ашёси (термал сувлар) сифатида фойдаланишни таъминлайди. Чучук ер ости сувлари фойдали қазилмаларнинг

стратегик турларига киради, чунки у ахолини майший ичимлик суви билан таъминлашнинг устувор ва фавқулодда вазиятлар даврида ичимлик суви билан таъминлашнинг ягона манбай ҳисобланади.

Ер ости сувлари чукурликда содир бўладиган кўплаб жараёнларнинг индикатори ҳисобланади. В.И.Вернадский сувнинг ўзига хос нарса эканлигини, у ердаги барча шаклланишлардан ажралиб туришини кўрсатиб ўтган: “Сайёрамиз тарихида сув ажралиб туради. Асосий, энг улуғвор, геологик жараёнларнинг боришига таъсири жиҳатидан у билан солиштирадиган табиий тана йўқ” [2]. Буюк олимнинг бу ғояси Ернинг турли минтақаларига нисбатан ривожланмоқда [3, 4]:

1) нафақат ер юзаси, балки сайёрамизнинг чуқур қисмларида ҳам энг муҳим ўзгаришлар сувнинг мавжудлиги ва хусусиятлари белгиланади;

2) сув ер қобигининг асосий механизmlарини яратади, ҳеч бўлмагандан магматик қобиқгача;

3) сайёра ва унинг атмосферасининг электр майдонини келтириб чиқаради ва қисман яратади;

4) сувнинг хусусиятлари иқлимини яратади ва атмосферанинг термодинамикасини белгилайди;

5) сув ер қобигининг бутун кимёсини ва ҳаёт муҳитини белгилайди, барча кимёвий реакциялар сувли эритмаларда содир бўлади;

6) табиий сув инсоннинг бутун ҳаётини қамраб олади ва яратади, чунки унинг ижтимоий турмуш тарзини, мавжудлигини шу даражада белгилайдиган бошқа табиий тана деярли йўқ;

7) сув бутун биосферани белгилайди

ва яратади.

Юқорида келтирилганларнинг барчаси атмосфера, биосфера, гидросфера ва литосферанинг табиий тараққиётида сувнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўзбекистоннинг ер усти ва ер ости сувларини ўрганиш бўйича турли йилларда Г.А.Мавлянов, Н.Н.Ходжибаев, К.П.Пулатов, Э.В.Мавлянов, Ф.Б. Абуталиев, У.У.Умаров, Б.Я.Нейман, М.А.Панков, К.М.Арипов, В.Г. Самойленко, Ю.И.Иргашев, Л.З. Шерфединов, Я.С.Садыков, А.И. Голованов, В.А.Гейнц, М.М.Крылов, У.У.Усмонов, М.Р.Рахимов, А.А. Мавлонов, И.Х.Хабибуллаев, М.С. Алимов, В.У.Магдиев, Н.Н.Камилов, Ж.Х.Джуманов, С.Х.Хушвактов, А.Б. Алимбаев, П.П.Нагевич, О.В.Чеботарев, И.Н.Грачева ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган, тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон республикаси худуди учун гидрогеологик шароитларни моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилган, турли геологик ва муҳандислик-геологик шароитларда регионал ва локал мониторингни ўтказиш мезонлари белгиланган.

Ер ости сувларининг эксплуатацион захираларини баҳолаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади: гидродинамик усул, гидравлик усул, мувозанат усули, гидрогеологик аналогиялар ва рақамли моделлаштириш усули, шунингдек уларнинг комбинацияси. Сув сифатини аниқлаш методологияси вазиятнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Олимлар кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва аниқлаш имконини берувчи бир қатор усулларни

яратдилар. Ҳозирги кунда сув сифатини назорат қилишнинг қўйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин: кимёвий, радионуклид, микробиологик ва физик-кимёвий.

Гидрогеологик шароитларни ўрганиш усуллари, гидрогеологик ва бошқа турдаги маҳсус тадқиқотларнинг таркиби, ҳажми ва методологияси ҳал қилинаётган вазифаларнинг хусусиятига, табиий шароитларни ўрганишнинг мураккаблиги ва даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ. Бироқ, барча ҳолатларда, тақдим этилган гидрогеологик ва бошқа турдаги тадқиқотлар мажмуаси қўйилган вазифаларни тўғри, илмий асосланган, тез ва самарали ҳал қилиш учун зарур бўлган ишончли гидрогеологик маълумотларнинг олинишини таъминлаши керак.

Муҳокама ва натижалар. Дунёда ер ости сувларининг ресурслари (5 км гача бўлган чуқурликда) 60 млн. км³, шундан 4 млн. км³ фаол сув алмашинуви зonasида жойлашган. Юза қатламларида 85 минг км³ тупроқ намлиги мавжуд. Чучук ер ости сувлари турли геологик-гидрогеологик тузилмаларда кенг тарқалганига қарамай, уларнинг миқдори (бошқа сув ресурслари билан солиштирганда) ердаги чучук сув захиралирининг (атмосфера, кўл, дарё, абадий музлик ва бош.) 5% дан ошмайди. Ер ости гидросферасида тоза сувнинг улуши 3-4% дан ошмайди. Куруқликдаги гидросферада чучук сув миқдори тахминан 2% ни ташкил қиласди (бу миқдорга атмосфера, тупроқ ва ер усти сувлари, шу жумладан музликлар киради). Шу билан бирга, чучук сув зонасининг қалинлиги 400 м дан ошмайди ва баъзи геологик тузилмаларда ундан ҳам камроқ. Сув

доимий ҳаракатда – унинг миқдори ва сифати вақт ва маконда ўзгаради. Сув ресурслари қадимги захиралар ва қайта тикланадиган ресурслар эканлиги билан ажralиб туради [5, 6].

Мамлакатимизда ҳозирги кунда 97 та ер ости сув конлари аниқланган бўлиб, уларнинг умумий сув ресурслари 63,9 млн. м³/кун. (умумий сув ресурсларининг 25%) ни ташкил қиласди, шундан шўрлиги 1 г/л гача бўлган сувлар 25,8 млн. м³/кун. (40%) ни ташкил қиласди. Бугунги кунда ичимлик суви таъминотининг 67 фоизи ер ости сувлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда сув ресурслари уч хил мақсадга, жумладан, аҳоли учун тоза ичимлик суви ва ишлаб чиқариш корхоналари таъминотига, қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришга йўналтирилади. Қайд этиш жоиз, мазкур соҳаларнинг ҳаммаси бир-биридан муҳим ва зарур. Ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни амалга ошириш асосида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда атроф-мухит муҳофазаси, табиий ресурслар, жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофaza қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Ушбу хужжат қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада кенгай-

тириш, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. 30.11.2021 йилдаги ЎРҚ-сон Қонун билан “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Республикада ер ости сувларидан фойдаланиш ва қудуқ бурғилаш тизимини янада такомиллаштириш, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ахоли орасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг микдор жиҳатдан камайиб кетиши ва ифлосланишининг олдини олиш ҳамда пировард натижада ахолини узоқ муддатли истиқболда сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 7-декабрь 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибига солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-439-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, ер ости сувларидан фойдаланувчиларга 2024 йил 1 январга қадар ер ости сувларидан фойдаланишининг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида ўз тасарруфидаги ер ости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан белгиланган тартибда жиҳозлаш мажбурияти юклатилган.

Шунингдек, 2024 йил 1 январдан бошлаб сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган ер ости сув олиш иншоотларидан фойдаланиш тақиқладанди. Бунда жисмоний шахсларга шахсий ва хўжалик эҳтиёжлари учун якка тартибда суткасига 5 метр кубгача

(суткасига 5000 литргача) бўлган микдорда ер ости сувларини олиш мустасно. Яъни, бундай қудуқларни сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш мажбурий эмас.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш учун рухсатнома беришнинг амалдаги тартиби бекор қилинди ҳамда вазирлик томонидан бурғиловчи субъектларга ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш тартиби жорий этилиб, ўз тасарруфидаги бурғилаш ускуналарини GPS-трекерлар билан жиҳозлаш ва уларни доимо ишчи ҳолатда сақлаш мажбурияти юклатилди.

Ер ости чучук сувлари захиралари республикамиз бўйича бир хил тарқалмаган, асосан Тошкент вилоятида 28%, Самарқанд 14%, Сурхондарё ва Наманган 13% дан, Андижон – 12% ва Фарғонага – 8% келади ва республика ичимлик сув таъминотининг 67 фоизини ташкил этади. Шундан, Фарғона (29,1%), Наманган (13,2%), Қашқадарё (10,8%), Самарқанд (11,5%), Тошкент (10,3%) вилоятларида ер ости сувларидан кенг фойдаланилмоқда.

Республикамизда ер ости сувлари мониторинги тизими 1465 кузатув қудуқларидан олинган сув намуналарининг минераллашув даражасига асосан таҳлил қилинмоқда.

Атроф-мухит объектларининг ифлосланиши мониторингига кўра, ер ости сувларининг асосий ифлослантирувчи моддалари саноат, қишлоқ хўжалиги ва коммунал корхоналар ҳисобланади. Республикамизнинг айrim худудларида ер усти сув чиқариш тармоқлари ва дренаж тизимларининг қониқарсиз ҳолати, айrim шаҳарлар ва

бошқа аҳоли пунктларида ер ости сувлари сатхининг жадал кўтарилишига олиб келган [7].

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва саноатни жадал ривожлантириш ер ости сувларига эҳтиёж кескин ортишига олиб келиб, бу сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Соҳа мутахассисларининг ер ости сувлари мониторинги натижаларига асосан сўнгги йилларда Навоий, Самарқанд, Жizzах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг айrim худудларида ер ости сув сатҳи 5 метргача ва ундан ортиқ пасайиб, уларнинг ресурслари камайиб кетиши кузатилмоқда. Мазкур худудларда сувга қудук бурғилаш ва улардан фойдаланиш бўйича мораторий жорий этилди. Ер ости сувлари сатхининг ўртача кўп йиллик сатхига нисбатан 5 метрдан ортиқ пасайиб кетган худудларда ер ости сувларидан фақат ичимлик мақсадларида фойдаланиш мумкин [8].

Дунё ресурслари институти тадқиқотига кўра, 2025 йилга келиб дунё аҳолисининг ярми сув танқислигига учраган худудларда яшashi кутилмоқда. Келажакда, ҳатто, етарли сув ресурсларига эга мамлакатларда ҳам сув танқислиги сезила бошлайди. Бу бир қатор омиллар - инфратузилма ва сув тақсимлашдаги хатоликлар, ифлосланиш, можаролар ёки сув ресурсларини нотўғри бошқариш билан боғлиқ. Иқлим ўзгариши эса сув танқислиги муаммосини тезлаштириб юборади [9].

Ҳозирги кунда аҳоли ва қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари томонидан ер ости сувларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш

масаласи тобора муаммога айланиб бормоқда. Жаҳонда юз бераётган иқлим ўзгаришининг натижасида минтақамизда ҳам сув ҳавзаларининг сувсизланиши, сув сарфининг камайиши, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида ер ости сув манбаларидан ортиқча ва аҳоли томонидан ер ости сувларидан нотўғри фойдаланиш (1-расм) билан боғлиқ антропоген таъсирлар кузатилмоқда.

Ер усти сувларининг ифлосланиши туфайли марказлаштирилган сув таъминоти ер ости сувларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бироқ, атроф-муҳитга антропоген таъсирнинг ортиб бориш шароитида ер ости сувлари ҳам ифлосланмоқда. Техноген компонентлар нафақат юқори, яхши ҳимояланмаган сув қатламларида, балки чуқур артезиан сув омборларида ҳам кузатилмоқда. Ер ости сувларининг ифлосланиши бир қатор



1-расм. Сувдан нотўғри фойдаланиш ҳолати.

экологик ва ижтимоий оқибатларга олиб келади. Ер ости сувларини ҳаддан ташқари қазиб олиш ёки ифлосланиш таҳдидларидан ҳимоя қилиш, шунингдек келажакда барқарор бошқарувни таъминлаш учун ер ости сувларининг қаердан келиб чиқишини, унинг сифати ва қанчалик тез тўлдирилишини тушуниш

мухимдир.

Антропоген омиллар, хусусан тоза ер ости сувларининг қазиб чиқариш ҳажмини кўпайиши уларнинг захира-ларини камайишига олиб келади. Табий мухитнинг узоқ муддатли урбанизацияси ер ости гидросферасининг барқарорлиги ва мувозанатини бузади. Ер ости сувлари сифатининг динамик ёмонлашиши ер ости гидросферасини ҳимояланганлиги-нинг заифлашишини ва унинг релак-сацион хусусиятларини пасайишини кўрсатади. Техногенез туфайли ер ости сувлари сифатининг ёмонлашиши ер ости гидросферасидаги мураккаб табий жараёнларнинг йўналиши ва тезлигининг ўзгаришига имкон яратади, экологик, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муам-моларни келтириб чиқаради.

Инсоннинг узоқ муддатли иқти-содий фаолиятининг таъсири табий мухитдаги экологик вазиятнинг ёмон-лашувида намоён бўлди. Деградация белгилари Ернинг турли табий қобиқ-ларида (атмо-, био-, гидро- ва литосфера) кузатилади. Ер ости гидросферасида гипергенез зонасида чучук сув ҳаж-мининг камайиши ҳисобига сув ресурс-лари, ер ости сувлари мувозанати ва режимида сезиларли ўзгаришлар юз беради [10, 11, 12].

Худудларнинг иқтисодий ривож-ланиши жараёнида табий мухитга кўплаб маҳаллий таъсир манбалари таъсир қиласи. Улардан энг кенг тарқалганига энергетика иншоотлари, тоғ-кон мажмуалари, карьерлар, шах-талар, майший чиқиндиларни сақлаш, ер ости сувларини қазиб чиқариш, заҳарли чиқиндиларни утилизация қилиш ва бошқалар киради. Уларнинг аксарияти ер ости сувларига комплекс таъсир кўр-

сатади.

Ер ости сувлари турли хил геологик ва гидрогеологик шароитларда майший ва ичимлик мақсадларида кенг қўл-ланилади. Кейинги ўн йилликларда сувга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлиги туфайли ер ости сувларни қазиб чиқариш ҳажми ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида сув қатламларини ер юзасидан ифлос-ланишидан маълум даражада изоляция қилишни таъминлаш учун санитария муҳофазаси зоналари яратилмоқда. Ер ости сувларининг ичимлик хусусиятлари сифатининг ёмонлашиши уларнинг сув олиш қудуқлари орқали жадал қазиб чиқарилиши билан боғлиқ. Сув олиш иншоотларининг хилма-хиллиги худуд-ларнинг геологик-гидрогеологик шароит-лари билан белгиланади. Сув олиш қудуқлари чучук ер ости сувларини ўз ичига олган турли хил сувли қатламларда жойлашган (тўртламчи ёшдаги бўш кумли-лой ётқизиклари, карбонат тоғ жинслари, тоғлараро ботиқликларнинг дарзли жинслари, тектоник бузилишлар зоналари ва бошқалар.).

Узоқ муддатли ва жадал сув қазиб чиқарилганда сувга тўйинган қатлам-ларнинг қуриши ва очиқ тизимларнинг шаклланиши қайд этилади. Жадал сув олиш туфайли ер ости гидросферасига токсикантларнинг кенг ассортиментини кириб бориши турли хил тарқалган ва маҳаллий ифлосланиш манбалари билан анча кўпаяди.

Атроф-мухит техноген ифлосланган тақдирда, фаолияти ер усти сувлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ин-фильтрация турида сув олиш иншоотлари алоҳида аҳамиятга эга. Айнан шу турдаги сув олиш иншоотлари учун ер ости

сувлари сифатининг энг динамик ёмонлашиши қайд этилади. Ичимлик сувининг қониқарсиз сифати турли касалликларга олиб келади, организмдаги сув-туз ва оқсил мувозанатининг бузилиши ва бошқа кўплаб салбий оқибатлар билан бирга келади. Ичимлик сувининг кимёвий ва биологик хусусиятлари ёмонлашганда, алоҳида кимёвий элементлар билан бойиган (F, Se, As, Li, B, Sr, Fe, Mn ва бошқалар) ер ости сувларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бир қатор касалликлар пайдо бўлади.

Сувли қатламлардан ер ости сувларини жадал олиш пайтида гидрогеологик шароитда қайтарилмас ўзгаришлар (пиезометрик сатҳларнинг пасайиши, таъминот жойларининг шаклланиши, сизилиш тезлигининг ошиши, гидрогекимёвий ва геотемпература аномалияларининг шаклланиши ва бошқалар) кузатилади. Атмосфера ёғинлари-сувли горизонт тизимида сув алмашинувининг жадаллиги сезиларли даражада ошади. Ер ости коммуникациялари ва турли хил муҳандислик иншоотларидан оқиш туфайли инфильтрацион озиқлантириш кўпаяди ва ишлатилаётган сув қатламларига кирадиган сифатсиз сувнинг ҳажми ортади. Йирик саноат марказлари шароитида ер ости гидросферасида сув балансининг шаклланиши инфильтрацион тўйиниши миқдори ёғингарчилик миқдоридан ошиб кетганда содир бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб тахминан 100 мингдан ортиқ сув қудуқлари мавжуд. Кудук сувларидан турли мақсадларда фойдаланилади. Табиий шароитга мос равишда, йилнинг маълум даврларида қудуқлар қуриб қолиши ҳам мумкин. Ҳамма қудуқлардан ҳам чиқадиган ер ости сувлари ичишга

яроқли эмас. Сув қудуқларидан асосан ичимлик, ерларни суғориш ва турли хил хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

Юқорида қайд этилганидек, сув қудуқларидан тасдиқланган миқдордан ортиқча сув олиш сув сатҳининг пасайиб кетишига ва бу захираларнинг бир неча йил ичида тугашига олиб келиши мумкин. Натижада ичимлик сув манбаси бўлган қудуқлар қурийди ва катта маблағлар ҳисобига қурилган ичимлик сув иншоотлари сув бермай қўяди.

Ер ости сувларидан фойдаланиш ва қудук бурғилаш тизимини такомиллаштириш, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича назоратни кучайтириш, аҳоли орасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, ер ости сувларнинг камайиши ҳамда ифлосланишининг олдини олиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Сув қудуқларини бурғилаш ва ишлатиш тизимини янада такомиллаштириш ва ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ер ости сув қудуқларини олдиндан тузилган лойиҳа асосида стандарт талабларга мувофиқ бурғилаш – бу қудуқларни ҳалокатларсиз бурғилаб ўтиш ва узоқ муддат таъмир талаб қиласдан ишлашини таъминлайди;

- қудуқларнинг конструкциясини ҳудуднинг геологик тузилиши ва гидрогеологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда танлаш – бу қудуқнинг мустаҳкамлиги ва герметиклигини таъминлайди;

- бурғилаш эритмасининг таркибини

тўғри танлай – бу ер ости сувларининг сифатсизланишини олдини олади;

- сувли горизонт очилгандан сунг маҳсулдорликка синаб кўриш – бу сув қатламнинг кунлик сув берга олиш миқдорини аниқлаш имкониятини беради;

- қудукни бурғилаш жараёнида ҳар бир сувли горизонтдан сув намуналари олиш ва лаборатория таҳлилларини ўтказиш – бу қудук кесимида очилган ҳар бир сувли горизонтдаги сувнинг қандай мақсадларда (ичимлик, сугориш, техник ва бошқалар) фойдаланилиши мумкинлигини аниқлаш имкониятини беради;

- сув қазиб чиқариладиган горизонтларда маҳсус фильтр ўрнатиш – бу сув олинадиган горизонт оралиғида тоғ жинсларининг емирилиши, қудук тубини кум зарралари билан тўлиб қолиши ва қудук маҳсулдорлигининг камайишини олдини олади;

- қувир орти соҳасини герметиклаш, яъни қатламлараро сув сизилишини олдини олиш – бу қудук кесимидағи турли геологик ва гидрогеологик шароитларга эга бўлган сувли қатламларнинг ўзаро гидродинамик алоқасини бартараф қиласи ва истемолга яроқли сувли қатламларга яроқсиз сувларнинг кириб келишини, ер ости сувларининг антропоген заарланишини олдини олади;

- қудук устини белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлаш ва электрон сув ҳисоблаш воситаларини ўрнатиш – қудук усти стандарт талаблардаги, босимга бардошли, сув сизиб чиқишига йўл қўймайдиган герметик ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим, сув сарфини ҳисоблаш воситалари қазиб чиқариш миқдорини назорат қилиш имконини

беради;

- қатламдан олинадиган сув дебитини аниқлаган ҳолда сув қазиб чиқаришнинг технологик режимини аниқлаш ва мақбул режимни ўрнатиш – қазиб чиқаришнинг технологик режимини белгилаш қатламнинг сув берга олиш имкониятидан келиб чиқиб, қудукдан бир меъёрда сув олишни таъминлайди, тоғ жинсларининг емирилишини, қудук тубини кум зарралари билан тўлиб қолишини ва қатламдаги сув сатхининг пасайишини олдини олади;

- сув қазиб чиқариладиган қатламлардаги сув сатхини назорат қилиб бориш – ер ости сувлари сатхининг пасайиши ва ресурсларининг камайишини олдини олади;

- экинларни сугориш ва кўкаламзорлаштириш ишларида, техник ва технологик тизимларда сувтежамкор технологияларни жорий этиш – сув тежовчи технологияларни жорий этиш ер ости сув ресурсларини тежаш, ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш имкониятини яратади;

- сув қазиб чиқарилаётган қудук жойлашган ҳудудда ер юзаси рельефининг ўзгаришини назорат қилиш мақсадида белгиланган муддатларда геодезик-картографик тадқиқотлар ўтказиш.

Хуноса. Ер ости сувлари республикамизнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим стратегик захира ҳисобланади. Ушбу сув захираларини чиқиндилардан химоя қилиш, ифлосланган ҳудудларни ихоталаш асосида чучук ер ости сувларининг аниқланган манбалари, захираларини сақлаб қолишига интилиш XXI асрнинг бош стратегик вазифаси ҳисобланади.

Шу боис барча турдаги корхоналар сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг илмий-услубий асослари ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳал қилувчи мухим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, сув манбалари Ўзбекистондаги кўплаб экотизимлар, жумладан, дарёлар, қўллар ва сув омборлари учун мухим аҳамиятга эга. Сув ресурсларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва уларни бошқариш биологик хилма-хилликни сақлашга, сув сифатини яхшилашга олиб келади ва экотуризмни сақлаш ва ривожлантариш имконини беради. Умуман олганда, сувни тежаш мамлакатга иқлим ўзгаришига мослашиш ва ичимлик сувининг камайиши, ёнгин ва қурғоқчилик хавфнинг ошиши каби салбий таъсирни юмшатишда мухим омил бўлади.

Сув ресурсларини тежаш – сув истеъмоли ва ифлосланиши билан боғлиқ муаммоларни камайтиришга ёрдам беради. Бунга сувдан фойдаланиш унумдорлигини ошириш ва сув йўқотилишини камайтириш, самарали технологияларни кўллаш орқали эришилади. Сув сарфини камайтириш, ирригация тизимларини ислоҳ қилиш, технологик инновацияларни жорий этиш, оқилона режалаштириш ва бошқаришга қаратилган чоратадбирлар – иқтисодий самараларга эришиш ва тармокларнинг рақобатбардошлигини оширишга олиб келади. Бир сўз билан айтганда, бугун атрофимизда рўй бераётган сув билан боғлиқ экологик муаммолардан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб, сувни тежаш ва исроф қилмаслик тамойилини кундалик мезонимизга айлантишимиз зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Калинин В.М. Экологическая гидрология. Учебное пособие. Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2008. 148 с.
2. Вернадский В.И. История природных вод. – М.: Наука, 2003. – 751 с.
3. Шварцев С.Л. Гидрохимия зоны гипергенеза. – М.: Недра, 1998. – 366 с.
4. Надеждина Ю.Ю. Учение В.И. Вернадского о природных водах. Электронный источник: URL: <https://nauchkor.ru/uploads/documents/583ea0d95f1be7700d51367b.pdf>
5. Шевцов М. Н. Водно-экологические проблемы и использование водных ресурсов. Хабаровск: Изд-во Тихookeан. гос. ун-та, 2015. - 197 с.
6. Злобина В.Л, Медовар Ю.А., Юшманов И.О. Трансформация состава и свойств подземных вод при изменении окружающей среды. Монография – М.: Мир науки, 2017.
7. Ярбобоев Т.Н. Комилов Б., Қосимова К. Геологик-қидирув ишлари билан боғлиқ экологик муаммолар // Eurasian journal of academic research. ООО «Innovative Academy RSC». Volume 2 Issue 5, May 2022. P. 353-357.
8. Ярбобоев Т.Н., Қосимова К.Ё. Тоғ-кончилик саноатининг экологик муаммолари. TA'LIM FIDOYILARI Respublika ilmiy-uslubiy jurnali. Iyul 2022 1-qism. 57-64 b.

9. Yarboboyev T. N., Xaitov O.G‘. Neft va gaz uyumlarini izlash va qidirish metodlari. Qarshi 2018. – 462 b.
10. Электрон ресурс: URL: <https://www.uznature.uz/ru/site/news?id=3019>.
11. Электрон ресурс: URL: <https://kun.uz/news/2022/08/02/yetti-hududda-yerosti-suv-sathi-5-metrgacha-pasayib-ketgani-malum-boldi>
12. Электрон ресурс: URL: <https://www.xabar.uz/jamiyat/suv-boyicha-xavotirli-prognoz-204nima-kutadi>